O'zbekiston Respublikasi
Andijon shahar
"ERKIN -AUDIT - XXI"
mas'uliyati cheklangan jamiyati

"ERKIN -AUDIT - XXI"
limited company
Andijan city
The Republic of Uzbekistan

Andijon shahar, Navoiy shox ko'chasi, 33 uy Tel/faxs: (374) 223-59-89 H/r 20208000104004480001
ATIB Ipoteka bank Andijon filiali MFO 00059 INN 202613599 Erkinaudit@mail.ru

2017 yil "26" aprel
021

«АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН»
Акциядорлик жамиятига

«АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» АЖ
2016 йил якунларига кура тузилган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра

АУДИТОР ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2007 йилнинг 23 октябрида 492-сон рақам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йил 7 мартида берилган "Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш" ҳуқуқини берувчи 00262-сон лицензияси эгаси масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Erkin-Audit XXI» аудиторлик ташкилоти, Андижон шахар, Навоий кўчаси 33 уй, АТИБ "Ипотекабанк" Андижон бўлимии, хисоб рақами № 20208000104004480001 МФО 00059, ИНН 202613599, ОКОНХ 84400, томонидан, «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятининг, 2017 йилнинг 22 март санасидаги 17-03|17-сон аудиторлик хизмат курсатиш шартномасига асосан 2017 йилнинг 22 март 26 апрел кадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Хусанов Ш.Б. 06.02.2001йил санасида берилган малака сертификати №00801 томонидан хўжалик юритувчи субъект «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятининг Молиявий хисоботлари №1 «Баланс», №2 «Молиявий натижалар » ,№3 «Пул окимлари » ,№4 «Хусусий капитал» дан иборат 2016 йил 31 декабр ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча «АНДИЖОН ДОРИ-ДАРМОН» Акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини, ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

"ERKIN-AUDIT-XXI" МЧЖ
Аудиторлик ташкилоти директори,
Халқаро Сертификат(CAP) ,СПБ.

Ш.Б. ХУСАНОВ

26 APR 2017